

Марказ тўгарак раҳбарлари ва ўқувчиларининг Тошкент шаҳар менежмент ва технологиялар коллежида ташкил этилган тажриба алмашиш амалиётида иштироки тўғрисида маълумот

Марказда фаолият юритаётган тўгараклардаги ўқувчи-ёшларни халқимизнинг миллий-маданий мероси ҳисобланган ўзбек миллий ҳунармандчилигига бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш, миллий меросимизни кенг тарғиб қилиш, келажак авлодларга етказиш ҳамда унинг ривожига ҳисса қўшиш орқали ёшларимизда меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик туйғуларини янада шакллантириш мақсадида Марказнинг 2015 йил 30 июлда “Марказ тўгаракларининг 2015-2016 ўқув йилида ўз йўналишлари ихтисосликларига мос бўлган Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежларига тажриба алмашиш ва амалиётга чиқиш” режа-дастури ишлаб чиқилган эди.



Мазкур режа-дастурда белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида бажариш мақсадида жорий йилнинг 19 январь куни марказда фаолият олиб бораётган “Карвинг” тўгарагининг раҳбари ҳамда 12 нафар тўгарак аъзолари Тошкент шаҳар менежмент ва технологиялар касб-ҳунар коллежида ташкил этилган тажриба алмашиш амалиётида иштирок этдилар.



Ушбу касб-ҳунар коллежида ташкил этилган амалиётда қатнашган тўғарак раҳбарлари машғулотларда ўқув-тарбия жараёнини янада ривожлантириш, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш, машғулотлар жараёнини самарали ташкил этиш бўйича кўникма ва малакаларга эга бўлган бўлсалар, тўғарак аъзолари эса, мазкур машғулотда ўзлари учун керакли маълумотларга, малакаларга ва кўникмаларга эга бўлиш билан бирга мазкур коллеждаги ўзларини қизиқтирган йўналишлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Ўқувчиларни ижодий камол
топтириш гуруҳи услубчиси**

Н. Пулатова

**Ахборот ресурс маркази
мутахассиси**

З. Қодирова